

Охиратга захира



09:10 / 24.02.2019 2505

Ҳаммод ибн Абу Ҳанифадан ривоят қилинади: «Довуд Тоийнинг озод қилган чўриси: «Эй Довуд, сизга ёғлик таом пишириб бераман», деди. У: «Майли», деди. Аёл таомни пишириб, Довуднинг олдига олиб келди. Шунда Довуд: «Фалончининг етим болалари нима қияпти?», деди. У: «Ҳар доимгидек», деб жавоб қилди. Довуд Тоий: «Буни уларга олиб бор!» деди. Аёл бўлса: «Жоним сизга фидо бўлсин, (ҳеч бўлмаса) мана шу нон билан сувдан озгина еб олинг!» деди. Довуд: «Агар уни мен есам, ичимга сингиб, йўқ бўлиб кетади. Агар улар ейишса, Аллоҳ таолонинг ҳузурда захира бўлиб тўпланади», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан